ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 11 январ
пайшанба № 5 (2262)

Ушбу сонда:

2 ОҚСОҚОЛ
3 «ИШОНЧ»ГА ХАБАР КЕЛДИ...
4 ИНСОН ҲАЁТИ АЗИЗ

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

ҚЎЛДА МАЛҲАМ, КЎНГИЛДА МЕҲР БИЛАН

Шаҳло болаликдан қўғирчоқларни олиб, уларни «даволаш» ва зарур «муолажа» ўтказиш билан машғул бўларди. Буни кўрган раҳматли буваси Фотиҳжон амаки уни «дўхтир қизим» деб суюб эркаларди.

Йиллар ўтиб ҳамшираликка бўлган иштиёқи уни Баровский номидаги республика тиббиёт билим юртига етаклади. Тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш ва амалий машғулотлар синови ортда қолди. Қўлига имтиёзли диплом олгач, Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиникасида оддий ҳамшира бўлиб ишга қабул қилинди. Касбига садоқат ва изланувчанлик ўз самарасини берди. Одамлар тилига тушди, эл меҳрини қозонди. Сал фурсат ўтмай, катта ҳамшира бўлиб хизмат қила бошлайди. Сафдошлари Мавлуда ва Насибалар билан фикр алмашиб, халқ саломатлиги йўлида елиб-югурди.

1993 йилнинг куз ойларида ички касалликлар бўйича етук мутахассис, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Маҳфуза Ҳайдарова уни ҳузурига чақириб: «Шаҳло, ҳарбий хизматга ўтмайсанми? Клиникага малакали тиббиёт ходимлари чақирилаётган экан» деб қолди. Бу таклиф Шаҳлога маъқул бўлди. Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталининг қулоқ, бурун, томоқ бўлимида катта ҳамшира, шартнома бўйича хизматдаги оддий аскар сифатида ишга қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда)



НУРЧИЛАР ҲУШЁР

Қашқадарё ҳудудий юқори кучланишли электр тармоғи жамоаси асосан вилоятдаги қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарини узлуксиз ишлаши учун электр энергияси билан таъминлашни назорат қилади.

Айни пайтда мазкур жамоада 430 нафар мутахассис ва ишчилар меҳнат қилмоқдалар.

— Регионал электр тармоғимиз вилоятдаги ўн тўртта юқори кучланишли трансформаторлар ва ҳаво узатиш линияларига хизмат қилади, — дейди тармоқ раҳбари Юнус Холиқов. — Айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида жамоамиз олдида катта масъулият турибди. Аҳоли ва ҳар бир корхона учун зарур бўлган электр энергиясининг ҳаракати бизларнинг зиммамизда. Шундай экан, бу бизнинг, айниқса, шу кунларда ўз ишимизга ўта масъулият билан ёндошишимизни талаб этади.

Суратларда: 17-Қашқадарё вилояти юқори кучланишли электр тармоғига қарашли подстанция марказий бошқарув пульти оператори Зокир Лутфуллаев; очиқ таъмирлаш қурилмалари.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар



Ахборот

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Куни кеча Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида янги йилдаги дастлабки пленум бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари раислари ва фаоллари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойида ўртага қўйилган, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва амалдаги меҳнат қонунчилигидан келиб чиқувчи вазифалар ҳамда ўтган йил сарҳисоби ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди. Ушбу масалалар юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Қодиржон Парпиев маъруза қилди.

Кириб келган янги йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши касаба уюшма ташкилотлари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклаши ҳамда ушбу масалада аниқ дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши лозимлиги йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ўтган йил мобайнида ишчи-ходимлар меҳнатининг муносиб қадрланиши, уларга соғлом ва хавф-хатарсиз иш шароити яратилиши бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан барча соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бу барча тармоқ касаба уюшмалари фаолиятининг ривожига ижобий таъсир кўрсатаётгани, шу билан бирга ҳали ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр билдиришди.

Пленумда жорий йилдаги вазифалар белгилаб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Галла бойлигимиз. Уни эъзозлаш, исроф қилмаслик барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Дондан тайёрланадиган нон эса неъматлар султони, дастурхонимиз безаги, ризқ-рўзимиздир. Шу сабабдан ота-боболаримиз нонинг ушоғини ҳам ерга туширмай, кўзга суртишган.

Долзарб мавзу

ҒАЛЛАНИ ПАЙҲОН ҚИЛГАНЛАР

жарима тўлайдиган бўлишди

Биз юқоридаги тамойилларга амал қилиб, Президентимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминламоқдамиз. Прокуратура текшируви жараёнида айрим фуқароларнинг қорамоллари экинларни пайҳон қилаётганлиги аниқланди.

Текширишларнинг бирида С.Синдоров номли агрохизмат маркази ҳудудидаги «Шомурод тадбиркор» фермер хўжалигининг ғаллазорларида 4 бош қорамол экинларни пайҳон қилаётганлиги маълум бўлди. Ҳолат синчиклаб ўрганилганида, моллар Зафаробод шаҳарчасида яшовчи фуқаро О.Муҳаммадиевга тегишли бўлиб, улар жами 0,2 гектар ғалла майдонини пайҳон қилган. «Шомурод тадбиркор» фермер хўжалигига етказилган зарар эса 280 минг 800 сўмни ташкил этган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 985-моддаси биринчи қисмида «Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли юридик шахсга етказилган зарар зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим» деб кўрсатилган. Шу сабабдан фуқаро О.Муҳаммадиевдан фермер хўжалиги фойдасига зарарни ундириб олиш юзасидан прокуратура Дўстлик туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси билан мурожаат этди.

Бундай ҳолат туманда ёлғиз ҳодиса эмас. Яна текширувимиз мобайнида С.Синдоров номли агрохизмат маркази ҳудудидаги «Делта фокс» фермер хўжалиги экинзорларини бир бош қорамол пайҳон қилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. У Зафаробод шаҳарчасида яшовчи фуқаро Т.Абдуллаевга тегишли бўлиб чиқди ва фермер хўжалигига 140 минг 400 сўм зарар етказилганлиги аниқланди. Натижада фуқаро Т.Абдуллаевдан фермер хўжалиги фойдасига тегишли суммани ундириш бўйича даъво аризаси қўзғатилди.

Туротбек ЛАТИПОВ,
Зафаробод туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси,
Алибой ЭРГАШЕВ,
журналист

Меҳнатни шодлик ва эзгуликлар манбаи, деб билган ҳар қайси инсон умри давомида қилган ишлари учун муносиб қадр кутиб яшайди. Бироқ, танаси бошқа дард билмас, деганларидек, баъзида айрим мутасадди раҳбарлар ишчилардан меҳнат унумдорлигини талаб қилади-ю вақтида ойлик маошларини беришни хаёлига ҳам келтирмайди.

Фуқаролар манфаатини кўзлаб

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

«Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ўтказилган текшириш давомида ана шундай боқибеғамлик ҳолатларига дуч келинди. Жумладан, мазкур корхонада 27 нафар ишчи-хизматчига ўз вақтида 5 миллион сўмга яқин иш ҳақлари тарқатилмаганлиги аниқланди. Навоий шаҳар прокуратураси томонидан иш ҳақларини ундириб бериш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, фуқаролар манфаатлари ҳимояланди. Қонунбузилишга йўл қўйган корхона бош ҳисобчиси Р.Қиёмов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айтиш жоизки, юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақларини ўз вақтида тўланиши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказиб борилмоқда. Текширишлар жараёнида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 9 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 15 нафар шахсларга интизомий, 58 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Бундан ташқари, мазкур йўналишда йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлар бўйича 9 та жиноят иши қўзғатилиб, етказилган 2 миллион 819 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Судларга эса 35 миллион 416 минг сўмлик даъво аризалари киритилди.

Тўлқин КЕНЖАЕВ,
Навоий вилоят прокурори катта ёрдамчиси

Ислом КАРИМОВ:

2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.

Журналист суриштируви

● Осмонда қаср қурилмас
● Хушмуомалаликнинг баҳоси йўқ

Қўполлиги учун бўшатилди... Тўғрими?

ёхуд «гийбат» учун ҳаз

Меҳнат ҳуқуқининг асосий манбаи олий юридик кучга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, дейилади. Бинобарин, ижтимоий ҳимоя фуқаронинг меҳнат ҳуқуқини ҳам қамраб олади.

Таҳририятга шикоят хати келган эди. Шикоятчининг манзили кўрсатилмаган. Ариза остида «ҳурмат ила Манзура» дейилган. Битилган телефон рақамларига қўнғироқ қилдим, ундай киши яшамаслигини айтишди. Суриштирдим. Ойсара опанинг синглиси экан. Бу опа партия ва ҳокимият идораларида кўп йиллар ишлаган. Ўзига хос талабчан аёл эди.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияси судининг қарори чиқиши биланоқ дарҳол кучга киради. Бу журналистга иш юзасидан шахсий мулоҳазаларини баён қилиш ҳуқуқини беради.

Қўлга қалам олишга тўғри келди.

Қаршида юбилей тантаналари кунлари эди. Ходимларига кузда баҳорги юмушларни қилдираётган вилоят почтаси раҳбари, сочларига оқ оралаб қолган киши эринибгина қўл берди. Вилоят тармоқ касаба уюшмаси раҳбари мени таништирғач, қайтадан қўл узатди.

Мақсадимни айтдим. Қўл телефони тугмаларини босабоса кадрлар бўлими бошлиғини чақирди. Менга юзланди.

— Минг киши ишлайдиган корхонада бир кишига жой топилиб қолиши мумкин.

Кадр опа ҳовлиқиб келди. Раҳбар ходимга кўрсатмалар берди.

— Ҳа, менинг рухсатимсиз бирорта ҳужжатни бериб юборманг! — Менга қараб қўшиб қўйди. — У даврда мен бўлмаганман.

Хонага кўтарилдик. Кадлар бўлими бошлиғи Раъно опа кўз ёш қилди.

— Судлашишдан чарчадим. Поччам вафот этганди. Ҳамма йиғи-сиғи қилаяпти. Юракка қил сиғмайди. Самарқанд вилоят судидан чақирув қоғози келди. Ноилож кетдим. Шу ҳам мусулмончиликми?

Опа турмушининг ариза муаллифининг ҳаётига ўхшаш жиҳатлари бўлса-да, ўкинмайди. У киши ёшлик ҳаётини ёлғиз онажонига бағишлади. Сўнг жиянларини ўз фарзандидек кўриб тарбиялади, одам қилди. Шу ҳам бахт.

Ишлаган жойидан Манзура ҳақида материалларни олдим. Суд қарорлари билан танишдим. Минг қилса ҳам бизда бағрикенглик, бировнинг камчилигига тоқат етишмайди. Арзимаган нарсадан жанжал чиқарамиз, «шошмайтур, сенга кўрсатиб қўяман» дейди ичимиздаги шайтон, бизни ҳар кўйга солади.

Манзура ўзини ноҳақ ишдан бўшатилган ҳисоблайди. Балки тўғридир. Балки...

Аризада Манзура уни ҳимоя қилмаган қозиларни, мухбирларни порахўрликда айблайди. Фикрлар илон изи, бир бирини инкор этади. Рус мактабида ўқиганман, ўзбек тилини яхши билмайман дейди-ю, бу тилда бурролигини кўрсатиб қўяди ва ҳоказо... Ўта асабий ҳолатда битилган шикоятлар, шикоятлар...

Ташкилотларга бориб, унинг аризаларини кўтардим. Кимни дуо қилган, кимни қарғаган. Дуо қилган кишиларини танийман, ўзининг меҳнатсеварлиги, адолатпарварлиги билан эътибор топган кишилар.

Хўш, шикоят муаллифи ким? Эркаева Манзура Хўжаназаровна, 1958 йил 10 майда туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, 1984 йилда Қарши қишлоқ хўжалик техникумини, 1994 йилда сиртдан Тошкент алоқа коллежини тугатган.

1997 йилдан 2001 йилгача «Қашқадарё почтаси» очиқ ҳиссадорлик жамиятида тафтишчи-йўриқчи, 2001 йил 9 январдан почта-алоқаси хизмати ва автоматлаштириш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган, 4-5 киши қўл остида. Аммо... 2004 йил 6 июлдаги буйруқ унинг фаолиятига нуқта қўйди. (Баъзи ҳужжатларни таҳрирсиз келтирамиз).

«Лавозимидан бўшатиш ҳақида»

Жамиятнинг почта алоқаси хизмати ва автоматлаштириш бўлими бошлиғи М. Эркаева 2004 йил 29 июнда буйруқ билан хайфсан эълон қилинганлиги ҳамда 2004 йил 31 май куни вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, 2004 йил 30 июн куни 77-сонли буйруқ билан таништирилмоқчи бўлинганида яна М. Эркаева томондан қўпол муомалада бўлиб, ҳақоратланганлиги ОАЖнинг Ички меҳнат тартиб-қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-банди бузилганлиги ва М. Эркаева томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 3-бандига асосан мунтазам равишда ўз меҳнат вазифаларини қўпол бузиб келаётганлигини инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 3- ва 4-бандларига асосан лавозимидан 2004 йил 7 июлдан бошлаб озод қилиниб, тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

ОАЖ директори, имзо »

Мен бу буйруқни грамматика, мантиқ, ҳуқуқ нуқтаи назардан таҳлил қилиб ўтирмайман. Нима бўлганлигини кўрсатишга ҳаракат қиламан, холос. Ҳукмни газетхон чиқарсин. Аввал кодексга қарайлик.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди. Ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:

— ички меҳнат тартиби қоидалари;

— корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

— айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланадиган интизом ҳақидаги низом.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллиги ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади.

Биз шартли равишда судни саҳнада, бошқа ҳолатларни саҳна ортида деб белгилаймиз. Мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Саҳнада.

Даъвогар М. Эркаеванинг иши бўйича жавобгари «Қашқадарё почтаси» ОАЖга нисбатан «Ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш ҳақида»ги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди томонидан 2004 йил 30 сентябр куни судда муҳокама қилиниб, даъво талаби асоссиз, деб топилиб, даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Саҳнада.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан М. Эркаеванинг аппеляция тартибида берган шикояти асосида мазкур фуқаролик иши вилоят суди аппеляция судлов ҳайъатида 2004 йил 19 ноябр куни кўрилиб, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, аппеляция шикоятини оқибатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарилди.

Саҳна ортида.

2004 йил 2 июл. «Қашқадарё почтаси» ОАЖ ва касаба уюшма қўмитасининг йиғилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2004 йил 21 июндаги хати муҳокамаси.

Жамият ходими Н. Шайманова ва бошқаларни М. Эркаеванинг қўпол муомаласи ҳақида агентликнинг бош директори номига ёзган шикояти директор ўринбосари томонидан икки кун мобайнида текширилганлиги ва ариза «ўз тасдиғи»ни топганлиги, «софдил ходимларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини поймол қилинишига йўл қўймаслик» уқдирилиб, асослантирилмаган шикоятлар юқори турувчи идораларнинг вақти ва маблағи сарфланишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланиб, қарор қабул қилинган.

Давоми 2-бетда

Касаба уюшма фаоллари

ОҚСОҚОЛ

Тиловли Максимовни Қўнғирот тумани аҳолиси тиниб-тинчимас, фидойи, заҳматкаш инсон сифатида яхши билади.

Оқсоқол бурноғи йили ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлади. Тантанага туманнинг ёшу қариси ташриф буюрди. Йиғилганлар оқсоқол шаънига бирбиридан илиқ фикрлар билдирдилар. Булар шунчаки хушомад учун айтилган гаплар эмасди. Ахир, Тиловли оға умрининг қирқ йилини ёш авлод тарбиясига, туманда таълим сифатини оширишга бахшида этган. У 1990 йилда туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси қилиб сайланди.

— Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим-тарбия бутунлай янги босқичга кўтарилди. Ёш ўқитувчилар билан суҳбатлашганда, уларни бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга даъват қиламан, — дейди оқсоқол. — Ахир биз гоҳида оддий қоғоз, ручка, бўр тополмай қолардик. Дарслик, кўргазмали қурол муаммоси ҳақида-ку айтмасам ҳам бўлади. Бугун ўқитувчиларимиз кенг ва ёруғ мактабларда, энг замонавий ўқув қўлланмалар ёрдамида дарс бериш имконига эга. Қанча ёшлар чет давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб келишяпти. Ўқувчиларимизни айтмайсизми, бири-биридан билимдон. Буларнинг ҳаммаси Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли.

Дарҳақиқат, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар Қўнғирот туманида ҳам ўз самарасини бера бошлади. Президентимизнинг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони юзасидан туманда амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин мисоли. 2005 — 2006 ўқув йилида 43-ўрта мактабда 681 миллион 750 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди ва 210 ўқувчига мўлжалланган қўшимча иморат ва спорт зали фойдаланишга топширилди. 48-мактабда 113 миллион, 36-мактабда 58 миллион, 33-мактабда 25 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Таълимдаги ривожланиш касаба уюшмаси зиммасига ҳам янги масъулият юкламоқда. Оқсоқол ҳар бир аъзонинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан мунтазам танишиб боради. 2004 йилда қўмита вакиллик мақомига эришди. Айни пайтда унинг таркибида 4329 аъзони бирлаштирган 85 та бошланғич ташкилот бор.

— Бошланғич ташкилот раҳбарларининг кўпчилиги аёллар, — дейди яна оқсоқол. — Бу бежиз эмас. Ўз касбининг фидойиси бўлган меҳрибон устозлар ҳамкасбларининг, шогирдларининг қувонч-ташвишларини тез илғашади. Фаолиятимизни ривожлантиришда уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Раис ҳар бир қишлоқ ўқитувчисининг уйида қорамоли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Вакиллик халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда қанча қишлоқ ўқитувчисининг қорамоли йўқлигини, бунинг сабабини ўрганди. Бу ўз самарасини берди. Имконияти бўла туриб, қорамол олишга эътиборсизлик қилган ўқитувчилар қорамол харид қилишди. Имконияти чегараланган уч ўқитувчига ҳомийлар ёрдам беришди.

— Барака топсин, саховатпеша инсонлар кўп ёрдам кўрсатишди, — дея суҳбатни давом эттиради оқсоқол. — Туман ҳокимлиги уч ўқитувчига рангли телевизор совға қилди. Кўплаб корхона ва ташкилотлар мактаб, болалар боғчаларини оталиққа олишди. Уларнинг ёрдами пул ҳисобида уч ярим миллион сўмдан кўп. Шу ўринда, 5-мактабнинг собиқ ўқувчиси Бекен Умбеталиев мактабга уч дона компьютер, принтер ва ксерокс аппарати совға қилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тиловли ака туманда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида фахр билан сўзлади. Маънавий-маърифий, спорт тадбирлари хусусида тўхталди. Режалар кўплигини таъкидлади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ишонч» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ

дадил одимлашни талаб этади

Фарзандларимизнинг замонавий, қулай ва шинам ўқув хоналарида таълим олишига эришишда жиддий силжишлар кўзга ташланмоқда. Бунинг исботини туманимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йили 1 та мактаб биноси қурилиб, 11 та ўқув масканида капитал реконструкция ҳамда жорий таъмирлаш юмушлари бажарилди. 7 та билим ўчоғи керакли мебел, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан тасарруфимиздаги ўқув муассасаларида китоб таъминоти 85 фоизга кўтарилди. Бунга эришишда ўқувчилар томонидан йиғилган металлолом пулидан фойдаланиш қўл келмоқда. Жумладан, амалдаги йилда ана шу ҳисобдан 7 миллион сўмлик китоб харид қилинди.

Таълим масканларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Касб маҳорати бўйича малака тоифалари ва мутахассисликка даъвогар ўқитувчилар Республика тест маркази томонидан аттестациядан ўтказилди. Бундан ташқари 671 нафар педагог ва раҳбар ходим вилоят ҳамда республика ўқитувчилар малакасини ошириш муассасаларида қайта тайёрланди. Узоқ йиллар мактабларда фаолият кўрсатиб, мутахассислиги бўлмаган фанлардан ўқувчиларга сабоқ бераётган 87 нафар муаллим қайта тайёрлов курсларида таҳсил олмоқда. Бошқа давлатларда ўқиб келган 28 нафар ўқитувчининг ҳужжати эса настрификация қилинди. 2005 ўқув йилида мактабларда кучли билим ва тажрибага эга мутахассисларнинг фаолият кўрсатиш даражаси 96 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилда янада ошди. Ҳукуматимизнинг халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллашган тизимини яратиш борасидаги ғамхўрлиги туфайли ўқитувчилар моддий аҳволи яхшиланмоқда.

Мактабларнинг спорт базаси мустаҳкамланмоқда. Бултур 2 та мактабда спорт зали қурилди. Жорий йилда эса 3 та мактабда ана шундай маскан барпо этилади. Хуллас, 2009 йилга қадар 3 та спорт зали реконструкция қилиниб, 13 та янги иншоот ишга тушади. Дарсдан ташқари спорт тўгараклари фаолияти яхши йўлга қўйилганлиги боис ўқувчилар ўртасида машғулотларга қатнашувчилар сони бирмунча ошди. «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида туманимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, 5-, 7-синфлар ўртасида волейбол беллашувида 17-мактаб ўғил болалари биринчи, 8-мактаб қизлари иккинчи, енгил атлетикадан 7-, 40-мактаблар ўқувчилари биринчи, белбоғли кураш бўйича 16-мактаб ўқувчиси 71 килограмм вазнда биринчи ўринни қўлга киритди. Ўтган йил май ойида 14-умумтаълим мактабининг «Қўнғирот» ўқувчилар жамоаси «Қувноқ стартлар» телемусобақасида иштирок этиб, бухоролик тенгдошлари устидан зафар қозонди.

Кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайган. Уларга 5 миллион 772 минг сўмлик китоб совға қилинди. 2941 нафар моддий таъминоти етарли бўлмаган ўқувчи қишки кийим-бош билан таъминланди. Ўтган йили мактабга қадам қўйган 2300 нафар ўғил-қизга Президент совғаси сифатида ўқув қуроллари ва дарсликлар топширилди. Шунингдек, 513 нафар вояга етмаган ногирон тўла ижтимоий ҳимояга олинган. Улардан 91 нафари ўз уйларида якка тартибда ўқитилмоқда. Бултур мактабларнинг 11-синфини тамомлаган 4 нафар чин етимларга ўқиш ва ишга жойлашиши учун энг кам иш ҳақининг 105 баробари миқдорида пул берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, оталиқ ташкилотлар томонидан ўқувчилар ўртасида турли тадбирларнинг ўтказилишига ҳомийлик кўрсатилмоқда. Жумладан, ўтган йил бошида туман прокуратураси ташаббуси билан ёшларнинг волейбол ва кураш бўйича мусобақалари бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги эса март ойида бешта фан йўналишида ички олимпиада ташкил этиб, ғолиб ўқувчиларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Д. ҚОДИРОВ,
Музработ туман халқ таълими бўлими мудири

Хабарлар

ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

2007 йил Хазорасп туманидаги Янгибозор қишлоғининг Тошсоҳа қўрғони аҳолиси учун унутилмас янгиликни олиб келди. Бу ерда замонавий андозадаги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Олдинлари туман марказидан анча олисда истиқомат қилаётган қишлоқ аҳолиси эски, замонавий талабга жавоб бера олмайдиган бинода тиббий муолажа оларди. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да бу ерда "Саломатлик-2" Дастури доирасида умумий қиймати 104 миллион сўмлик янги ҚВП биносини тиклаш учун қурилиш–монтаж ишлари олиб борилди.

Янги шифо маскани Осиё Тараққиёт банкининг кредити эвазига қуриб битказилди. ҚВПда эмлаш, муолажа, лаборатория, физиотерапия, акушерлик – генекология хоналари ҳамда тўрт ўринга мўлжалланган кундузги даволаш хоналари мавжуд.

"Туркистон-пресс"

ҲИНДИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК КОМПАНИЯСИ ЖИҲОЗЛАРИ

Халқаро интеграция ва илмий-техникавий ҳамкорлик доирасида республикамиздаги олий ўқув юртлари қатори Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессор-ўқитувчилари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу эса чет эл илғор таълимий тажрибаларни ўрганиш билан бир қаторда уларни амалиётга тадбиқ этиш имконини бермоқда.

Жанубий Ҳиндистон Тўқимачиликни ривожлантириш ассоциацияси билан ҳам ҳамкорлик шартномаси тузилди. Ўзаро келишувга биноан институт профессор-ўқитувчилари ҳар йили икки марта малака оширишга юборилади.

Ассоциация саъй-ҳаракати билан институтнинг йигирув кафедраси ўқув лабораторияси «Премиер» русумли техник воситага эга бўлди. Ҳиндистоннинг тўқимачилик компаниясида ишлаб чиқарилган бу замонавий қурилма амалий машғулотларни олиб боришда жуда қўл келмоқда. Олий ўқув юртининг Ҳиндистон Марипал университети билан алоқаси ҳам яхши самара бермоқда.

Акбар АЛИЕВ



Бойсун туманидаги Хангаронсой сув омбори ишга тушса, 1000 гектар ер майдони кафолатли сув билан таъминланиши керак эди. Лекин капитал маблағ етишмаслиги сабабли, ушбу қурилиш 2002 йилдаёқ тўхтаб қолди.

2005 йилда қурилиш ишлари қайтадан бошланди. Омборнинг биринчи навбати учун 1500 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Айни пайтга келиб, сиғими 1,5 миллион метр куб бўлган сув омборининг биринчи навбати «Тўпалангтгэссувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти томонидан қуриб битказилмоқда.

Эндиликда Бойсун туманидаги Кофрун қишлоғининг икки юз гектар ер майдони сув билан таъминланади. Бу ерда ҳозирда 160 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилмоқда.

И.ХЎЖАЕВ
(ЎзА) олган сурат

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Савол: 1989 йилдан то 2006 йил сентябргача 14 комплект синф штат тўлиқ эди. Мактабда 1 филиал қисқарди, 13 комплект колди. 1 сентябр 2006 йил кутубхона штати 0,5 ставка бўлди. Шу тўғрими?

Х.НОСИРОВ,
Зомин тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 358-қарори асосида умумтаълим муассасаларидаги штатларни тартибга солиш мақсадида 1997 йил 23 октябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда умумтаълим муассасаларининг штат бирлиги тасдиқланган. Унда 7, 10, 11, 13 комплект синф учун 0,5 кутубхоначи штат бирлиги, 14-16 комплект синф учун 1 кутубхоначи штат бирлиги ва 30 ҳамда ундан кўп комплект синфлар учун 1 кутубхона мудири ва 0,5 кутубхоначи штат бирлиги белгиланган.

Сизнинг мактабингизда эса 13 комплект синф қолган, шу сабабли 0,5 кутубхоначи штат бирлиги тўғри белгиланган.

Савол: Кутубхоначилар чанг жойда ишлагани учун қандай имтиёздан фойдаланишлари мумкин?

Х.ШОМУРОДОВ,
Фориш тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 12-моддаси «К» бандига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари, шунингдек, кутубхоначилар умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирда имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон ҳамда 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхатига кирувчи меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли ишлаб чиқаришда ишлайдиган ходимларнинг даромадларидан солиқлар олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган. Унда фуқароларнинг юқорида қайд этилган тоифалари даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-қарори асосида таълим муассасаларида ишлаётган ходимлар лавозимига қўшимча ҳақ белгиланган, шунингдек, кутубхоначиларга кутубхона фондида 3000 тагача дарслик бўлса минимал иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлаб борилади.

Савол: 2009 йилга бориб 55 ёшга тўламан. 1993 йилдан буён 10-14 соат дарс ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқдаман, мен имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми?

С.САДУЛЛАЕВ,
Чиноқчи тумани

Жавоб: Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 12-моддаси «К» бандига асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 3-рўйхатининг VII қисмига биноан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бундай имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳам эгадирлар, чунки 3-рўйхатга бу касб ва лавозимлар ҳам киритилган.

Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош АХМЕДОВ жавоб берди

Боши 1-бетда

Бир бандида «кўпол муомалада бўлганлиги юзасидан муддати ўтганлиги учун интизомий жазога тортилмасин.»

Иккинчи бандида «... белгилаб қўйилсинки, ОАЖнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга риоя қилиш, ўзи ишлаб турган жамоада ходимлар устидан турли уйдирмалар, ҳар хил бўҳтон, фисқу-фасод ёки ғийбат уюштириш натижасида жамоанинг соғлом муҳитини бузилишига олиб келадиган ҳолатлар ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги ҳисоблансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига асосан касаба уюшмасининг розилигини олдиндан олган ҳолда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин» деб қўйилган.

Юқоридаги фикрлар бир-бирига зидлигини қўя турайлик, М. Эркаеванинг кимнинг устидан уйдирма қилганлиги, қандай ғийбату бўҳтон ҳақида гап бораётганлиги материаллардан кўринмайди, аммо ёйнинг ўқи шу аёлга қаратилаётганлиги аён. (Шу хилда вазифасидан бўшатилган бошқа кишини билмадик.)

Саҳна ортида.

2004 йил 16 июн. «Қашқадарё почтаси» ОАЖ ва касаба уюшма қўшма мажлиси. Кун тартибида «Қашқадарё почтаси» ОАЖ почта алоқаси хизмати ва автоматлаштириш бўлими муҳандиси Н. Шайманова ва бошқаларнинг Республика Бош прокурорига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ҳамда «Ўзбекистон почтаси» Давлат Акциядорлик Компанияси бош директори номига юборган аризаси муҳокамаси.

Агентлик ҳуқуқшуноси томонидан икки кун текширилган, «важлар қисман ўз тасдиғини топган». М. Эркаева 2003 йил 3 сентябрда жамоадан кечирим сўраган, аммо 2003 йил 12 октябрда ва 2004 йил 15 январда ходими Н. Шайманова билан жанжал қилган.

Баённомадаги эътиборли фикрлар. ... Агентликнинг бош ҳуқуқшуноси: «ёзилган аризани шу ернинг ўзида ҳал қилса бўларди, деб ҳисоблайман». Вилоят корхонаси ҳуқуқшуноси: «Иккала ходимнинг бир-бирига шахсий адовати бўлса, суд орқали ҳал қилинсин, агар иш юзасидан келиб чиққан бўлса, бугун ечимини топиши керак». Бу фикрни юқоридан келган катталар маъқуллаб «суд орқали ҳал қилиниши керак» дейишган. Шу корхона раҳбарининг биринчи ўринбосари: «Уларни муросага келтирганман... Н. Шайманова иш шароити тўлиқ яратиб берилган ва у ўз ишини давом эттириб келмоқда».

(Суд эса кам аҳамиятли бўлганлиги учун М. Эркаевани маъмурий жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланган.)

Яна 2003 йил 20 октябрда тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидаларига ўзгартириш киритишга қарор қилинган:

«...ўзи ишлаб турган жамоа ходимлари устидан турли хил бўҳтон, фисқу-фасод, ҳақорат, турли хил уйдирмалар ёки ғийбат сўзларини уюштириш... меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузган деб ҳисобланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади».

Мулоҳаза.

«Кашфиётчилар»га бундай ҳуқуқ берилмаганлиги, қайд этилган муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа соҳаси бўлиб, меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинмаслиги, бинобарин Ички меҳнат тартибига алоқаси йўқлигини, билмасмиканлар?!

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси махсус қисмининг илк боби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка бағишланган бўлиб, туҳмат ва ҳақорат қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Аммо ғийбат учун жавобгарлик белгиланмаган. Ахир ҳар гурунгни ғийбатга йўйиш мумкин-да. Аксинча, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Жиноят кодекси билан ҳам шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилинган. Шу сабабли маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин(бир йил мобайнида) шахс туҳмат ва ҳақорат учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Лекин ғийбат учун эмас.

Шахсдан бировнинг ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотлар тарқатганлиги туфайли етказилган маънавий зарар фуқаролик судлови тартибида ундирилиши мумкин.

Мулоҳаза.

Қашқадарё почтаси айрим ходимлари ўзларининг юқори идораларига хатлар йўллаши етмагандек, Республика Бош прокурори, вилоят прокурори, вилоят ҳокимига нусха-нусхалаб бемалол хатлар жўнатаверишган. Ахир масъул кишилар қандай миқёсдаги муаммолар билан яшаётганлиги, уларнинг бир дақиқа бўлсин вақтларини олиш оғир гуноҳ эканлигини заррача ҳис қилишмаганми? Бу аслида бевосита ўз раҳбарини тан олмаслик эмасми?

Саҳна ортида.

2005 йил 24 ноябр. 2005 йил 19 декабр. Гўё вилоят прокуратураси М. Эркаевани ҳимоя қилаяпти, деб Қамаши, Нишон почта алоқаси тармоғи жамоалари номидан Республика Бош прокурорига мурожаатлар қилинган.

Қамашиликлар нима дейди. «М. Эркаевада инсонга хос бўлмаган барча салбий ҳолатлар мавжуд. Бу инсонда ҳалоллик, покизалик, ўзбек хотин-қизларининг ибо, иффатини кўрмадик. Мансаб ваколатини суиистеъмоллик, таъмагирлик, туман почта ходимларига нисбатан қўпол, жамоа ўртасида турли хил фисқу фасод, ғийбат, носоғлом муҳитни келтириб чиқариш каби фазилатларни кўрдик».

Нишонликлар нима дейди. « ... вилоят прокуратурасининг М. Эркаевани ишга қайта тиклаш тўғрисидаги протести билан танишиб чиқиб, жамоамиз келишган ҳолда норозилик билдирдик... айби...маслаҳат сўрасак... қўпол жавоб беради»

Вилоят прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанция судининг ажримига нисбатан протест келтирилганлиги рост.

У оддий мантиққа асосланади. М. Эркаеванинг хатти-ҳаракати муқаддам жамият умумий йиғилишларида бир неча марта муҳокома қилинган бўлса-да, аммо унга нисбатан ҳеч қандай интизомий жазолар қўлланилмаган. Нишон тумани ва Бешкент шаҳар почта филиаллари хазиналарини тўсатдан текшириш ҳақидаги жамият директорининг буйруғини бажаришганлиги учун 2004 йил 29 июнда олган «хайфсан» интизомий жазоси тўғрисидаги буйруқ билан танишишдан бош тортганлиги учун 2004 йил 6 июлда уни лавозимидан озод қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган. Бу меҳнат вазифасини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол бузишга кирмайди.

Саҳнада.

Протест 2005 йил 30 ноябрда фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди Раёсати томонидан қаноатлантирилган.

Тажрибали ҳуқуқшунослар нимага асосланиб, бундай хулосага келдилар.

Судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқишда фуқаролик процессуал кодексининг 312-моддаси талаблари, Олий суд Пленуми қарорлари, моддий ва процессуал қонун талабларига риоя қилинмасдан иш шошма-шошарлик билан кўрилиб, ноқонуний ва асоссиз тўхтамга келинган.

... Ваҳоланки, даъвогар М. Эркаева ўз меҳнат вазифасини мунтазам равишда бузганлиги ёки ходимларни ҳақоратлаганлиги учун бирон бир жавобгарликка тортилганлиги ҳақида фуқаролик ишида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас.

Бундан ташқари, даъвогар М. Эркаевага интизомий жазо бериш ҳақидаги 2004 йил 29 июн кунидаги буйруққа асос қилинган Бешкент ва Нишон почта филиаллари бош хазиналарини 2-чорак якунлари бўйича тўсатдан текшириш ўтказишга боришдан бош тортганлигини ўрганиш чоғида текшириш ўтказиш ҳақидаги жадваллар 2 марта икки хилда тузилган бўлиб, судлар томонидан бунинг сабаби аниқланмаган.

М. Эркаеванинг хатти-ҳаракатлари муқаддам жамият умумий йиғилишларида бир неча марта муҳокама қилинган, аммо бундан сўнг ҳеч қандай интизомий чора қўлланмаган. 2004-йил 29 июнда Нишон тумани ва Бешкент шаҳар почта филиалларининг бош хазиналарини тўсатдан текшириш ҳақидаги жамият директорининг буйруғини бажаришдан бош тортганлиги учун унга охирги марта «хайфсан» эълон қилинган. Шундан кейин у ички тартиб қоидаларини бузмаган ва интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган хатти-ҳаракатлар содир этмаган бўлса-да, мазкур буйруқ билан танишишдан бош тортганлиги асос қилиниб, ишдан бўшатилганлиги эътибордан четда қолган ва бундай ҳолда унга тазйиқ бўлган-бўлмаганлигига баҳо берилмаган.

Шунга асосан фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати томонидан аппеляция судлов ҳайъатининг ажрими тўлиқ бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун аппеляция инстанциясига юборилган.

Саҳна ортида.

2005 йил 12 декабр. Қашқадарё вилоят суди Раёсатининг 2005 йил 30 декабр кунидаги қарори вилоят почтаси касаба уюшма қўмитаси муҳокамасида. «... суд М. Эркаевани қандай қилиб ишга тикламоқчилигини тасаввур қилолмайман. Уни ишга тикланишига умуман норозиман. ...жамоа собиқ раҳбаридан тортиб оддий коровулгача жанжаллашишга улгурган бу аёл нафақат жамоамиз, балки жамиятимиз учун ҳам хавфли саналади. ...М. Эркаева ишга келиб, бутун жамоани яна иғволари билан асабига теккиси майди, деб ким кафолат беради? Мен шахсан кафолат беролмайман.»

Саҳна ортида.

2005 йил 15 декабр. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қашқадарё филиали жамоаси номидан вилоят ҳокимига мурожаатнома ёзилган. «... жамоамиз ходимларини собиқ ходим, почта бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган М. Эркаеванинг ишга қайтиш мумкинлиги бизни жуда қаттиқ ташвишга солмоқда...

...жамоамиз ходимларини вилоят суди Раёсати ажримига асосан М. Эркаевани шунча бўлган воқеалардан, бутун жамоанинг манфаатидан бутунлай кўз юмиб, уни ишга қайта тиклаш масаласини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги филиал ва унинг тизимидаги барча туман почтаси алоқа ходимларини ларзага солмоқда...

М. Эркаевани шу жамоада ишлашига мутлақо норозилигимизни эътиборга олиб, бу масалани ўз назоратингизга олишингизни илтимос қиламиз. Акс ҳолда, Республика миқёсидаги тегишли орган ва ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўламиз».

Мулоҳаза.

Таҳдидни қаранг. Маҳаллий ҳокимият судни назорат қиларканми?!

Прокуратура, суд ҳужжатларини муҳокама қилишаяпти, муносабат билдиришаяпти. Ахир бундай тартиб қайси қонунда белгиланган?

Саҳнада.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси Қарши туманлараро судининг яна қатор камчиликларини кўрсатган.

Бандлик дастури — амалда

МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ФАОЛ ҲАРАКАТ

халқ фаровонлиги йўлидаги одил сиёсат

Мамлакатимизда аҳоли йилига ўртача ҳисобда 350-400 минг кишига кўпаймоқда. Бу эса ўз-ўзидан республика аҳолисини иш билан таъминлаш, қўшимча иш жойлари яратишни талаб этади. Шубҳасиз, бу борада қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Шулардан бири республика фуқаролари учун чет элларда меҳнат қилиш, яъни ишга жойлашиш имконияти яратилаётганидир. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи Ғофуржон Усмонов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги мамлакатимиз фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш ва чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш билан шуғулланади.

Фуқароларнинг хорижда меҳнат қилиш имкониятларини янада ошириш ва чет мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарорига асосан Тошкентда, Бухорода, Нукусда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидаги юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюро ташкил этилди.

Маълумки, Агентлик томонидан ташқи меҳнат миграцияси бўйича Корея республикасига 1995 йилдан буён 2 та йўналишда фуқаролар ишга юборилмоқда. «Бандликка рухсат бериш тизими (Эркин ёллаш тизими) бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандумни амалга ошириш мақсадида ўтган йилнинг 10-13 октябр кунлари Корея Республикаси Меҳнат вазирлигининг делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди ва эркин ёллаш тизими бўйича Кореяда ишлаш истагини билдирган фуқароларимиз учун корейс тилидан тест синовларини ўтказишнинг талаблари ва шартлари муҳокама этилди. Бугунги кунда шу меморандумни амалда қўллаш механизми ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, ҳозирда чет эл фуқароларини саноат бўйича ўқитиш дастурида 15 та давлат иштирок этмоқда. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар бошқа жабҳалардаги каби ташқи меҳнат миграцияси соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, меҳнат миграцияси масалаларига катта эътибор қаратилиб, республикамизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги 408-сонли қарори ва унга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 2000 йилдаги, 2001 йилдаги ва 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда ишлаётганлари ва ишлаш истагида бўлганлари ҳисобини юритиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган.

Ушбу қарорлар асосида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлигининг низоми тасдиқланган. Шунга кўра агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ишга жойлаштириш, чет элларда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўникув тадбирларини ўтказиш йўли орқали уларга кўмаклашиш;

— хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳамда фуқароларни хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиш бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш;

— юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятига тасдиқномалар бериш.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар ва битимлар асосида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларнинг кўмагида белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агентлик зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб фуқароларнинг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари билан йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Агентликнинг Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда Корея Қурилиш уюшмаси билан ҳамкорлик доирасида республикамиздан минглаб фуқаролар Кореяда саноат стажировкаси тизими бўйича ишга юборилмоқда. Ҳозирги кунгача Агентлик томонидан Корея Республикасига 15000 нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари касб-ҳунар ўрганиш ва ишлаш учун юборилган.

Кореяга меҳнат қилишга юборилган фуқаролар касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилиш шартларига кўра ётоқхона ва кунига уч маҳал овқат билан бепул таъминланадилар. Шунингдек, фуқароларни тиббий суғурталаш, ишлаб чиқаришда ва ундан ташқарида бахтсиз ҳодисалардан ҳамда иш ҳақини вақтида тўланиши бўйича суғурталаш кўзда тутилган.

Шу баробарда юқорида тилга олиб ўтилган ишловчиларни Корея республикасига юбориш тўғрисида имзоланган меморандумни тадбиқ этиш учун тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, корейс тилидан тест ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида келишув тайёрланмоқда. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Кореяда ишлаётган республикамиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги ва АФЛМА Корея агент-компаниялари ўртасидаги шартномага асосан кўриб чиқилади. Юқорида таъкидланганидек, жўнатиш Корея Республикасининг саноат соҳасида малака ошириш давлат дастури асосида амалга оширилади. Ушбу дастур Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси ва Корея Қурилиш Ассоциацияси раҳбарлигида бажарилади. Бу ташкилотлар хориждан ишчи кучини жалб қилишни назорат қилиб боради ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

— Мамлакатлар ўртасида шартнома тузилаётганда кўпроқ нималар эътиборга олинади?

— Шартнома тузиш жараёнида ҳар қайси мамлакат ўз талабларини ўртага қўяди. Буларга ишга ёлланувчиларнинг ёши 40 дан ошмаслиги, ҳар томонлама соғлом бўлиши, иш берувчи корхоналардаги меҳнат шароитлари каби қатор талаблар киради. Шунингдек, ишчи кучини ҳам ўша мамлакатнинг ўзи белгилаб беради. Ҳозирда Корея томони талабларига кўра ишловчилар танловдан ўтказган ҳолда юборилади. 2006 йилда дурадгор-қурувчилик касби бўйича танловдан ўтган 31 нафар киши жўнатилди.

Қайсидир мамлакатлар томонидан қўйилаётган талаблар бизга, бизники уларга маъқул келмай қолиш ҳолатлари ҳам юзага келади. Натижада бу давлатлар билан шартнома тузилмайди. Баъзи давлатлар томонидан қўйилаётган талабларнинг айримлари бизнинг ўзбекона қадриятларимизга, кишиларимиз руҳиятига, характер хусусиятларига мос келмаслиги, иш услуби ва ўша давлат тилини ўргана олишларидаги ноқулайликлар боис улар билан тузилиши керак бўлган шартнома бекор қилинди.

— Фуқароларимизни хорижга ишга юборишда яна қайси давлатлар билан шартномалар тузиш кўзда тутилган?

— Айни пайтда республикамиз фуқароларининг ривожланган мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишларини таъминлаш учун Янги Зеландия, Австралия, Испания, Италия, Португалия, Малайзия, Россия каби қатор давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича таклифлар юборилган. Бир неча ойдирки, мазкур давлатлардаги меҳнат бозорида хорижий ишчи кучига бўлган талаб, иш берувчи корхоналардаги меҳнат шароитлари, Ўзбекистон фуқароларини шу мамлакатларга юборишнинг имкониятлари ва ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилмоқда. Бунда асосан, қишлоқ хўжалиги, компьютер технологияси, транспорт, қурилиш масалалари бўйича шартномалар тузишга ҳаракат қилинмоқда.

Кўриниб турибдики, Агентлик томонидан олиб борилаётган ишларнинг барчаси, мамлакатимиз аҳолиси иқтисодини янада яхшилаш ва бандлик борасида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда айтадиган бўлсак, кадрларни тайёрлаш, иш ўринларини яратишдан иборат меҳнат бозоридаги фаол сиёсат иш билан бандликни ошишига, иш ўринларини турғунлигига ва унинг адолатли глобаллашувига олиб келади. Шубҳасиз, бундай глобаллашув янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлади.

Суҳбатдош:
Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири

ИБРАТЛИ МАҲАЛЛА

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги Бешқўрғон маҳалласини ибратли маҳалла деса арзийди. Тарихи 1870 йилларга бориб тақалувчи бу жойда минглаб аҳоли истиқомат қилади. — Ишларни давр талаби асосида ташкил этганмиз боис, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобил Собиров. — Йил давомида ўтказиладиган ҳар бир тадбир кўпчилик билан бамаслаҳат амалга оширилади.

Ўтган йили маҳалла ҳомийларидан Ғайрат Ҳамидов, Карим Умаров, Умид Азизов, Рахматилла Қодиров ва Нишонбой Назаровлар хайрли ишларни амалга оширдилар.

Маҳалла обод, мевали ва манзарали дарахтлар бисёр. Ёшларнинг тарбияли, маърифатли бўлиши ҳамда иш билан таъминланишига катта эътибор қаратилади. Кам таъминланганлар, ногиронлар ҳам четда қолмайди. Улар доимо фаоллар эътиборида.

Х.МИРЗАКАРИМОВ
олган сурат

ҚЎЛДА МАЛҲАМ, КЎНГИЛДА МЕҲР БИЛАН

(Боши 1-бетда)

Шаҳло илк бор эгнига ҳарбий либос кийганида юраги қувончга тўлди. Аммо кўпчилик ичида ўзини ноқулай ҳис этарди. Ҳадеганда ҳарбийча ҳаётга, қатъий тартиб-интизомга, у ердаги шарт-шароитларга кўниколмади. Шунда у кечалари ҳамма ухлаганида ҳарбий либосини кийиб хона ичида юришни, беморлар билан ширин муомалада бўлиб муолажа ўтказишни машқ қиларди. Секин-аста у ҳарбий клиника шарт-шароитларига кўника борди. Йилдан-йил госпитал жамоасининг унга бўлган ишончи ортди.

— Катта ҳамширанинг жамоамизда ҳурмат-эътибори баланд, — дейди клиника бошлиғи, подполковник Азамат Аъзамов.

— Тезкор ҳаракат қилиб ширин сўзи ва хушмуомалалиги билан беморларни даволаш унинг доимо диққат-эътиборида бўлади.

Шаҳло ишдан чарчаган пайтларида бадиий китоб ўқийди. Айниқса, у шеърият шайдоси.

Турмуш ўртоғи Алишер энергетик-муҳандис. Уч нафар фарзанди бор. Қизи Ширинхон ҳарбий қисм қошидаги боғчада тарбиячи, катта ўғли Дилшод — Ахборот технология университети талабаси, кичиги Шуҳрат эса мактаб ўқувчиси.

Ҳарбий клиника госпиталининг қулоқ, бурун, томоқ бўлими катта ҳамшираси, шартнома бўйича хизматдаги оддий аскар, «Шуҳрат» медали соҳибаси Шаҳло Акбарова Ватан ҳимоячиларини қўлда малҳам, кўнгилда меҳр билан даволашдан сира чарчамайди.

Абдулла САИДОВ

Фармон ва ижро

«ИШОНЧ»ГА ХАБАР КЕЛДИ...

Устма-уст жиринглаган телефон қўнғироғи навбатчи хаёлини бўлиб юборди.

— Солиқ инспекцияси эшитади, — деди у ҳозиржавоблик билан.

— Туман марказидан сим қоқяпмиз, — деди телефондаги киши. — Бизнинг кўчада қарийб ярим йилдан бери зиғир ёғи ишлаб чиқарадиган цех фаолият кўрсатяпти. Маҳсулоти ниҳоятда сифатсиз...

Навбатчи манзилни ёзиб олди ва «Ишонч» телефони орқали келган хабарномани бошлиқ ҳузурига олиб кирди.

Мутасадди ташкилотлар ва солиқ ходимларидан иборат комиссия тузилди. Ўтказилган рейд натижасида А.Мирзаев кўчаси, 23 «А» уйда жувоз ишлаётганлиги аён бўлди. Фуқаро Х.Номировага тегишли рўйхатдан ўтмаган хом ашё, тайёр маҳсулот, қўлбола ускуна олиниб, тўпланган материаллар кўриб чиқиш учун судга оширилди.

Айтиш мумкинки, Китоб туман давлат солиқ инспекциясининг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиги яхши натижа бераяпти. «Ишонч» телефонига келаётган хабарларнинг кўпчилиги ўз исботини топмоқда. Жумладан, «Пахтаобод» фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қум қишлоғида Асрор Эргашев, Бошчил қишлоғида Рустам Юсупов ва тумандаги Алиқушчи кўчаси 128-уйда жойлашган Отабек Нуриллаевнинг ёғ ишлаб чиқарадиган яширин цехлари фош этилди. Бектемир қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Акмал Ҳайитов, Оёқчи қишлоғидаги Равшан Назаровнинг давлат рўйхатидан ўтказмаган, сифатсиз маҳсулот тайёрлаётган тегирмонлари ҳам аниқланиб, фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди.

— Солиқ ходимларининг мақсади битта. У ҳам бўлса ҳукумат қарорларини ижросини таъминлаб, ички бозорни арзон, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчилар манфаатларини муҳофазалаш баробарида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Фарҳод Равшанов.

Бурноғи йилга қараганда текширишлар сони 61 фоизга камайди. Ишбилармонларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулайликлар яратилди. Назорат идоралари билан тадбиркорлар ўртасида алоқа мустаҳкамланди.

Солиқ тизими ходимлари тадбиркорлар ҳузурига бориб, ўша жойнинг ўзида муаммоларни ечиш йўлларини излаяптилар. Тафтиш ўрнига таҳлил вазияти вужудга келди. Хатолар кўрсатилибгина қолмай, муаммоларни биргаликда ечиш йўллари қидирилаяпти. Саъй-ҳаракатлар натижасида Й.Турсунов раҳбарлик қилаётган «Тевабош» савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси, Ф. Самадов бошчилигидаги «Йигитбек» корхонаси энг намунали солиқ тўловчи сифатида шаклланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари» ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш учун қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бажарилишини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Шунга қарамасдан, юридик шахсларнинг фойдаланилган электр энергиясидан қарзлари 308 миллион сўмдан ошиб кетган. Солиқ инспекцияси ёрдами билан 34 та корхонанинг 19 миллион 728 минг сўмлик муддати ўтган дебитор қарзларини ундириш бўйича хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Ўтказилган мониторингларда 4 та хўжалик юритувчи субъектларда ноқонуний равишда электр энергиясидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, мансабдор шахсларга нисбатан 394 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Ҳар тўкисда бир айб, деганларидек қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам билинади. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, даромадни яширишга уринаётганлар ҳам бор. Тумандаги «Оқсув» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Наврўз», «Сухроб» ошоналари ошпазлари Тоҳир Камолов, Рахматилла Жўраев томонидан катта миқдордаги савдо пули назорат касса машинасига кирим қилинмаган. Бундай камчиликлар учун жамиятга нисбатан 944,4 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Тумандаги «Бейбарс», «Меҳрож-Нуршифо», «Иммунфарм», «Неапол», «Ҳаёт» хусусий фирмаларида ҳам кунлик тушум назорат касса машиналаридан ўтказилмаганлиги учун тегишли чоралар кўрилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Жумладан, суд жамият вакилини ишга жалб қилган бўлса-да, даъвогарнинг даъво аризаси бўйича жавобгар сифатида жалб қилиниши лозим бўлган кишиларни гувоҳ тариқасида жалб қилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 314-моддаси 2- қисми 2-бандига кўра иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахсларидан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

2004 йил 30 сентябр кунидаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

2006 йил 26 апрел куни Қарши туманлараро суди Манзура Эркаеванинг даъвосини қисман қаноатлантирди.

Хўш, нечун суд мазкур буйруқни ғайриқонуний, деб топди?

Саҳнада.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-4-бандларига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазо ҳисобланиб, ходим билан меҳнат шартномасини мазкур модданинг 2-қисми 3-бандига кўра бекор қилишда ходим аввал меҳнат вазифасини бузганлиги учун интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган бўлиши ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари бир йил мобайнида қўлланилган бўлиши лозим.

Даъвогар жавобгар маъмуриятининг 2004 йил 28 июнь кунидаги 76-сонли буйруғи талабларига бўйсунмасдан белгиланган манзилларда тўсатдан текширув ўтказиш учун хизмат сафарига чиқишдан бош тортганлиги сабабли 77-сон буйруққа кўра унга нисбатан МКнинг 181-моддаси 1-бандига асосан интизомий жазо қўлланиб, «хайфсан» эълон қилинганлиги, жавобгар маъмурияти томонидан даъвогарга бундан бошқа қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда интизомий жазо белгиланмаган.

Жавобгар «Қашқадарё почтаси» филиали меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ўз буйруғида даъвогарга нисбатан муқаддам Давлат алоқа инспекцияси томонидан маъмурий жазо берилганлигини меҳнат шартномасини бекор қилишга асос сифатида кўрсатган. Бироқ, ишда даъвогарнинг маъмурий жазо тайинланишига сабаб бўладиган айбли хатти-ҳаракати учун интизомий жазо чораси қўлланилганлиги хусусида ҳеч қандай далил мавжуд эмас.

Жавобгарнинг даъвогар 2004 йил 30 июн кунидаги 77-сонли буйруқ билан танишишдан бош тортиб, бошқаларни ҳақоратлаганлиги ички меҳнат тартиби қоидаларини бир марта қўпол равишда бузилиши деб ҳисобланиши тўғрисидаги важлари асоссиздир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июнда 7465-сон билан рўйхатга олинган «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий Қоидалари»нинг 2,38.-бандида қуйидагилар:

— ижро интизомини бузиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Фармойишлари ва топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари, юқори орган, ҳокимлик ва иш берувчининг қарорларида қўйилган вазифаларни амалга оширишни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминламаганлик);

— ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаслик (ишда узрсиз сабаблар билан иш куни мобайнида узлуксиз ёки вақти-вақти билан бўлмаганлик);

— ишга алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик воситаларини истеъмол қилиб келиш, буни гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса тасдиқлаган бўлса;

— иш жойида корхонанинг мулкини ўғирлашни содир қилиш, буни гувоҳлар тасдиқлаган бўлса;

— тарбиячилик вазифаларини бажараётган ходимнинг мазкур ишда ишлашни давом эттириш мумкин бўлмаган ғайриахлоқий иш-ҳаракатни содир этиши;

— корхона ходимларининг, шу жумладан, тартиббузарнинг ҳам ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган тарзда хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш технологиясини қўпол равишда бузиш;

— ходим томонидан меҳнат мажбуриятлари бузилиб, моддий зарар етказилиши;

— махфийлиги меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилган тижорат сирини ходим томонидан ошкор қилиниши;

— бевосита пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатадиган ходим томонидан айбли хатти-ҳаракатлар содир этилиши, агар бу хатти-ҳаракатлар иш берувчи томонидан унга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос бўлса, ушбу ҳолатлар бир марта бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлган қўпол бузишлар ҳисобланиши белгиланган.

Гарчи, жавобгар «Қашқадарё почтаси» филиалининг ички меҳнат тартиби қоидаларида ходим ўзи ишлаб турган жамоа ходимлари устидан турли хил бўҳтон, фисқ-фасод, уйдирмалар ёки ғийбат сўзларни уюштириш натижасида, жамоанинг соғлом муҳити бузилишига олиб олиб келадиган ҳолатлар ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузганлиги, деб ҳисобланиши белгиланган бўлса-да, бу ҳолат меҳнат қонунчилиги юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабига зид ва нолегитив саналади.

Шунингдек, ходим томонидан корхона шаънига ва раҳбарнинг ишчанлик обрўсига нисбатан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар учун белгиланган тартибда чора кўриш тегишли органлар томонидан амалга оширилиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ «Қашқадарё почтаси» филиали 2004 йил 5 ноябр кунидан бошлаб «Қашқадарё почтаси» ОАЖнинг фаолияти тўлиқ тугатилиб, «Қашқадарё почтаси»га айлантирилганлигини, ОАЖ кузатув кенгашининг 2004 йил 5 ноябр кунидаги йиғилиши қарорига кўра даъвогар ишлаб келган бўлим фаолияти тугатилиб, «Почта алоқасини ташкил этиш» бўлими ташкил этилганлиги боис даъвогар ишлаб келган лавозим бугунги кунда мавжуд эмаслигини билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июл кунидаги 339-сонли қарорига кўра «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган ва жойлардаги жамиятлар негизида филиаллари ташкил этилган. Шунинг учун «Қашқадарё почтаси» ОАЖ қайта ташкил этилиб, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти филиалига айлантирилган. Филиал ходимларини ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномаларини тузиш ҳуқуқи филиал маъмуриятига қолдирилган. Шунга кўра филиал директори филиал аппарати ходимларининг штатлар жадвалини тузиш ва уни тасдиқлаш ҳуқуқига эга, бу ҳолат судга тақдим этилган штатлар жадвали билан ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 98-моддаси 1-қисмида корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек, корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади, деб белгиланган. Шунга кўра суд, даъвогар Эркаева Манзурани ўз вазифаси «Қашқадарё почтаси» филиалига почта алоқасини автоматлаштириш ва механизациялаштириш бўлими бошлиғи лавозимига ишга тиклашликни лозим топади.

Суд даъвогарнинг ўзига нисбатан жавобгар «Қашқадарё почтаси» филиали (собиқ ОАЖ)нинг 2004 йил 29 июн кунидаги 77-сонли буйруғи билан асоссиз равишда «хайфсан» интизомий жазоси берилганлиги тўғрисидаги важини муҳокама қилиб, ушбу важни асоссиз, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди Раёсати қарорида 2004 йил 29 июн кунидаги буйруққа асос қилинган Бешкент ва Нишон почта филиаллари бош хазиналарини 2-чорак якуни бўйича тўсатдан текшириш ҳақидаги жадваллар 2 марта, 2 хилда тузилганлигини текшириш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмасига амал қилиб, мазкур ҳолатни ишдаги мавжуд далиллар билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагича тўхтамга келди: даъвогар М.Эркаева томонидан 2004 йил 23 июлда тузилиб, имзоланган жадвал маъмурият раҳбари томонидан тасдиқланмаган ва ижрога қаратилмаган. Корхона ходими Г.Тен томонидан тузилган ва раҳбар томонидан тасдиқланган тўсатдан бош хазиналарни текшириш хусусидаги жадвал 2004 йил 28 июн кунидаги 76-сонли буйруққа асос қилиб олинган. Даъвогар ўзи томонидан тузилган жадвалнинг раҳбар томонидан тасдиқланмаганлигидан ва ижрога қаратилмаганлигидан норози бўлиб, бошқа ходим томонидан тузилиб, раҳбар томонидан тасдиқланган жадвал асосида хизмат сафарига боришдан бош тортган. Суд бундай ҳолда даъвогар, маъмурият раҳбари томонидан чиқарилган қонуний буйруққа бўйсунмаган ва хизмат сафарига боришдан асоссиз бош тортган, деб ҳисоблайди.

Даъвогарнинг бош хазиналарни текширишга ўзининг ҳаққи йўқ бўлганлиги тўғрисидаги важи билан келишиб бўлмайди. Чунки, ишдаги мавжуд хизмат йўриқномаси ва даъвогарнинг ўзи томонидан 2004 йил 23 июн кунида тузилган ва раҳбар томонидан тасдиқланмаган жадвалга кўра даъвогар бош хазиналарни тўсатдан текширишга ҳақли бўлганлиги ва аксинча, бу хусусдаги маъмурият буйруғини бажаришдан бўйин товлашга ҳақли бўлмаган.

Суд фуқаролик иши материалларини ҳамда судда аниқланган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, даъвогар Эркаева Манзура ҳамда жавобгар «Қашқадарё почтаси» филиали (собиқ ОАЖ)нинг собиқ раҳбари У.Воҳидовлар ўртасида шахсий келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, бунинг оқибатида жавобгар У.Воҳидов томонидан даъвогарнинг эркин иш фаолияти юритишига фаол тўсқинлик қилиниб келинган, деб ҳисоблайди.

Суд даъвогарнинг жавобгардан мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво талабини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси МКнинг 112-моддасида меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги белгиланганлигини, шунингдек, МКнинг 275-моддасида ходимнинг пул ундиришга доир талабларини қондириш белгиланганлигини ҳисобга олиб, ушбу даъво талабини қаноатлантиришни ва жавобгардан даъвогар фойдасига даъвогар мажбурий прогулда бўлган вақт учун иш ҳақи ундириб беришликни лозим топади.

Суд даъвогарнинг жавобгарлардан етказилган маънавий зарар учун товон пули ундириш ҳақидаги даъво талабини муҳокама қилиб, даъвогар ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси жавобгар маъмурияти томонидан

Давоми 4-бетда

Жиззах вилоятида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 287 та халқ хўжалиги корхона ва ташкилотларида ҳамда 19 минг 855 та хонадонда ёнғинга қарши ҳолатлар назоратдан ўтказилди. Тегишли қоидаларни бузган 167 нафар масъул шахсга 475 минг 511 сўм жарима солинди, 50 дан ортиқ масканларнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатилиб, ёнғинга қарши ҳолат мувофиқлаштирилди, 470 та носоз электр ва газ ускуналаридан фойдаланиш тақиқланди. Айни кунларда ҳам «ўт балоси»нинг олдини олиш ишлари изчил давом этмоқда. Бу ҳақида вилоят ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдуазиз Умаров мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

ИНСОН ҲАЁТИ АЗИЗ

битта эътиборсизлик кўпгина кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин

— Аҳоли ва ишчи-хизматчилар билан учрашувларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, табиий газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш мавзуларида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ёнғин хавфсизлигини тарғиб этувчи 46 турдаги 6 минг 960 та эслатма, плакатлар тарқатилди, 167 панно ўрнатилиб, масканларда 150 та хавфсизлик бурчаклари ташкил этилди. Фаолиятимизда маҳаллий ҳокимликлар қошида тузилган ишчи гуруҳларга таянишимиз аниқ. Афсуски, аксарият ана шундай ишчи гуруҳлар муҳим тадбирга ўз-ўзини бошқариш органлари ва кенг жамоатчиликни жалб этишда сусткашликка йўл қўйишган. Айрим ҳолларда у Давлат Ёнғин назорати хизмати томонидан ўтказилган рейдларда аниқланган камчиликларни муҳокама қилиш билан чекланишган. Ваҳоланки, ўта муҳим, тоифаланган объектлар ва маҳаллаларни ёнғин хавфсизлигига мувофиқ ҳолга келтириш чоралари кўрилиши зарур. Эътиборсизлик оқибатида айрим корхона ва ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда экани маълум бўлиб қолди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали (раҳбари М.Эшбеков) маъмурий биноси ва бўлимларидаги мавжуд ёнғиндан хабар бериш қўнғироқлари носоз ҳолатда: электр, сим ва кабеллари мутахассислар томонидан назоратдан ўтказилмаган.

Жиззах уй-жой, коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи (раҳбари Т.Ҳамроқулов) маъмурий биноси ва ўқув хоналарида мавжуд ёнғинни сезиш қўнғироқлари ишчи ҳолатда эмас, ўқув хоналари ва ётоқхона олдидаги ёнғин ўчириш қалқони бирламчи воситалар билан таъминланмаган.

«Жиззахдонмаҳсулотлари» корхонасида (раҳбари А.Сатторов) тадбирлар режаси тузилган. Бироқ унинг бандлари ижроси таъминланмаган. Омухта ем ишлаб чиқариш цехи, тайёр маҳсулотлар ва моддий товар бойликлари омборларида жиддий нуқсонлар мавжуд.

Пахтакор, Зомин туманлари, Даштобод шаҳарчасидаги «Деҳқон бозор»лари маъмурияти раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тадбирлари умуман ишлаб чиқилмаган.

«Пахта Банк» АТБ Зафаробод филиалида ҳам боқибеғамлик ҳукмрон. Иситиш тармоғи кузги-қишки мавсумга тайёр эмаслиги натижасида ходимлар хизмат хоналарида қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланишганлиги аниқланди.

Олов - ёв

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари вилоят газ, электр тизими корхоналари билан ҳамкорликда ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида қўшма рейдлар ўтказганда Жиззах шаҳридаги «Кимёгар», «Заргарлик», «Бобур» маҳаллаларида, Ғаллаорол туманидаги «Миррабулоқ», Жиззах туманидаги «Учтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ташкилотчилик етишмаслиги сезилиб қолди. Жамоатчиликни бу муҳим тадбирга жалб этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Тадбир кунларида вилоятда 11 та ёнғин содир бўлиб, фуқароларга 647 минг сўмлик моддий зарар етказилган. Аҳоли турар-жойларидаги ёнғинлар натижасида инсонларнинг куйиш ва тан жароҳати олиши, ҳатто ҳалок бўлиши ачинарлидир.

Жиззах шаҳридаги Қипчоқ маҳалласи, Қаршибоев кўчасида истиқомат қилувчи А.Одилов, Қ.Ашурматов, шу маҳалланинг Ҳазратқулов кўчасида яшовчи Қ.Очиловлар табиий газга ноқонуний уланиб олишганини қандай баҳолаш мумкин?

Ёнғиннинг олдини олиш, халқ мулкини кўз қорачиғидек асраб, уни келажак авлодга бекаму-кўст етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Суҳбатдош: Абдуманнап АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Имом БУХОРИЙ

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Бировни яхши кўрса, ўзига билдирсин

Миқдом ибн Маъди Кариб айтадилар: "Расululлоҳ (с.а.в.): "Сизлардан қайси бирингиз биродарини яхши кўрса, яхши кўрганлигини унга маълум қилсин", дедилар".

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, муҳаббат ҳам икки томондан бўлса, давомлидир. Яъни бирон киши унинг салоҳияти, яхши йўлда бораётганлиги каби ҳоллари учун яхши кўрса, унинг кўнглини кўтариш ва шу ишларини тараққий эттиришга тарғиб қилиш учун муҳаббат қўйганини ўша одамнинг ўзига билдириши керак (т.).

Киши бировни яхши кўрса, уни суриштириб юрмасин

Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинади, у киши: "Бир биродарингни яхши кўрсанг, у билан жанжаллашма, ҳар иккала томонга ёмонликни қўзғатадиган ҳаракатни ҳам қилма ва унинг ҳақида суриштирма, чунки суриштирган кишинг унинг душмани бўлса, йўқ нарсаларни гапириб ораларингизни бузиб қўяди", дедилар.

Қиш зийнати

Боши 3-бетда

ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги сабабли ўзига етказилган зарарни, шу жумладан, маънавий зарар учун иш берувчидан товон (компенсация) талаб қилишга МКнинг 112-моддаси 2-қисмига асосан ҳақли эканлигини, қонунга кўра ходимга етказилган маънавий зарар учун товон пули тўлаш иш берувчига нисбатан қаратилишини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 207-моддаси қўлланиб, жавобгар маъмуриятининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли даъвогарнинг ноилождан бекор қолиши, бунинг оқибатида ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун кетган вақт мобайнида руҳий изтиробларни бошидан кечирганлигини, мажбурий прогул ва ҳуқуқлари бузилиши натижасида моддий тақчилликка учраб маънан қийналганлигини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1021-1022-моддаларига асосланиб ҳамда оқилоналик ва адолатлилик талабларини эътиборга олиб, ушбу даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Суд, ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун уч ойлик иш ҳақи ундириш қисмини дарҳол ижрога қаратишни лозим топади.

Суд даъво қисман қаноатлантирилиши муносабати билан давлат божини жавобгар ҳисобидан ундиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Мулоҳаза.

Тарози холис тортилган. Мен ҳар иккала тарафга ҳам холис бўлиш ниятидаман. Фуқаролик иши бўйича амалиётим кам. Аммо ушбу ҳал қилув қарори билан танишмасдан аввал «Нега шундай, деб қарор чиқаришмаган» деган фикр бошимда чарх урарди. Жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, назаримда ҳаммаси тўғри. Бизнинг фикримизни уйғунлаштирган нарса адолат туйғуси бўлса керак, бошқа нарса эмас.

Саҳнада.

Суд Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 273, 275-моддалари ва ФПКнинг 203- 206-, 219-моддаларини қўллаб, ҳал қилув қарори чиқарди.

Мулоҳаза.

Суд М. Эркаеванинг баъзи даъволарини рад қилди. Ва, тўғри қилган, деб ўйлайман. Даъвогар тоғ сўрасанг, ҳеч бўлмаса тепа берар-ку қабилида даъво қилаверган.

Мулоҳаза.

Судьяликни орзу қилмасанг бўларкан. Қонун титкилаб, адолат қилай, деб ёзган саккиз варақ қарорингни юқори инстанция суди тўрт варақ ажрими билан чилпарчин қиларкан, қўяркан.

Саҳнада.

Жавобгарнинг шикояти бўйича ишни кўрган Сурхондарё вилоят апелляция инстанцияси суди 2006 йил 8 август куни Қарши туманлараро судининг мазкур қарорини бекор қилди.

Хўш, қандай асослади?

Даъвогар Эркаева Манзура 2004 йил 28 июн кунидаги № 76-сонли буйруқни бажаришдан бош тортганлиги сабабли 2004 йил 29 июн куни № 77-сонли буйруқ билан «хайфсан» эълон қилинган.

Ҳисоботларни қабул қилишда ва юқори ташкилотларга тақдим этишда йўл қўйган камчиликлари учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 153-моддаси 1-қисмига биноан 5440 сўм миқдорида жаримага тортилган. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилганлиги... меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Даъвогар Эркаева М 2004 йил 30 июн куни №77-сонли буйруқ билан таништирилаётганда, «Қашқадарё почтаси» ОАЖ ходимларини ҳақорат қилиб, жамият раҳбарига нисбатан фиску-фасод қилиб, жамиятда носоғлом вазиятни вужудга келишига сабаб бўлган.

«Қашқадарё почтаси» ОАЖнинг 2003 йил 20 октябр кунидаги жамиятнинг ички меҳнат тартиби қоидаларининг II бўлим, 4-қисми, 3-бандида ўзи ишлаб турган жамиятда ходимлар устидан турли хил бўхтон, фиску-фасод, уйдирмалар ёки ғийбат сўзларни уюштириши натижасида, жамоанинг соғлом муҳитини бузилишига олиб келадиган ҳолатлар, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузганлиги ҳисобланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши белгиланган.

«Қашқадарё почтаси» ОАЖнинг 20.10.2003 йилдаги ички тартиб қоидасини тасдиқлаш ҳақидаги 2-сонли қарори бекор қилинмаган.

Жавобгарлар томонидан даъвогарга маънавий зарар етказилганлик ҳолатлари судда тасдиқланмаган, даъвогарга жавобгарлар томонидан бирон-бир таъсир чоралари қўлланилганлиги, даъвогарни жавобгарлар ҳақорат қилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ишда мавжуд эмас.

«Қашқадарё почтаси» ОАЖ маънавий зарарга даъво қилган бўлиб, лекин даъвогар томонидан «Қашқадарё почтаси» ОАЖга маънавий зарар етказганлик ҳолатлари иш бўйича мавжуд эмас ва «Қашқадарё почтаси» ОАЖ вакиллари судда даъвогар уларга маънавий зарар етказмаганлигини, балки моддий зарар етказганлигини эътироф этишиб, йўл қаражатларини кўрсатишган бўлса-да, лекин судга бундай ҳужжатларни тақдим қилишмаган ва ҳоказо.

Мулоҳаза.

М. Эркаеванинг 2004 йил 29 июнда «хайфсан» олганлиги тўғридир, сўнг ундан олдин 2004 йил 31 майда МЖтКнинг 153-моддаси 1-қисми билан «меҳнат вазифаларини бузганлик учун моддий жавобгарликка тортилган» дейилади.

Ахир, бу маъмурий жавобгарлик, моддий эмас. Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандарти бузилиши ҳуқуқбузарлиги содир қилганлиги учун 5440 сўм жарима тўлаган. Маъмурий бу (газетхонлар учун тушунтираяпмиз) фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни...таъминлашга доир муносабат. Моддий бу (шу ўринда) ходим томонидан иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарардир, яъни иш берувчининг мавжуд молмулкини амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги тушунилади. Бу меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шароитларини, ходимларнинг (!) меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғини таъминлашга доир муносабат. Ҳуқуқнинг икки соҳаси.

Агар ўша маъмурий жазо «интизомий»га айланган бўлса, нега 2004 йил 29 июнда унга интизомий жазо қўллашда эътиборга олинмади, энг енгил жазо «хайфсан» берилди. Бўшатиш керак бўлганда эса эсга тушиб қолди. Нурайдиган буйруққа суялган ҳаччами бу.

Даъвогар М.Эркаева 2004 йил 30 июн куни 77-сон буйруқ билан таништирилаётганда, ОАЖ ходимларини ҳақорат қилиб, жамият раҳбарига нисбатан фиску фасод қилиб, жамиятда носоғлом вазиятни вужудга келтирган дейилади. Исботи борми? Далолатнома дерсиз. Унга суд баҳо бериб, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортганми?

ОАЖнинг 2003 йил 20 октябр кунидаги жамиятнинг Ички меҳнат тартиби қоидаларида бўхтон, ғийбат уюштириш... хизмат вазифасини кўпол равишда бузган ҳисобланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш белгиланган дейилади. Айнан шу ҳужжатда бу нарса йўқ, у 2005 йил 4 июлдаги ҳужжатда бор. (Манзура 2004 йил 6 июлда бўшатилган). Ўзи бу қандай ҳужжат?

Биринчиси. «Қашқадарё почтаси» очиқ акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси бўйича Ички меҳнат тартиби қоидалари» 2003 йил 20 октябр. Тасдиқлайман. Директор. Қўшиламан. Касаба уюшмаси раиси.

Иккинчиси. Ўзгартириш киритилгани. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Қашқадарё филиалининг ҳамда Қарши почта ишлаб чиқариш цехи ва алоқа ходимлари Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси бўйича ички меҳнат тартиби қоидалари» 2005 йил 4 июл. Тасдиқлайман. Директор(янги). Қўшиламан. Касаба уюшмаси раиси.

Номининг ўзиёқ қандай ҳужжатлигини кўрсатиб турибди. Бу касаба уюшмасининг эмас, корхона иш берувчисининг касаба уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқлайдиган локал ҳужжати.

Бунинг устига 2003 йил 20 октябрдаги Ички тартиб қоидаси амалда дейилган. Вақтида тасдиқланган ҳам бўлсин, ходимнинг аҳволини ёмонлаштирадиган қонунга зид локал ҳужжат суд ажримига асос бўла оладими? Халқаро ҳужжатмиди-ки устунлиги тан олинса. Ё, тавба!

Тарбиявий ишларни бажариши лозим бўлган шахснинг аҳлоқсиз хатти-ҳаракатини ёхуд бевосита мижозларга хизмат кўрсатадиган ходимнинг уларга нисбатан дағал муомаласини хизмат интизомини бузиш, деб баҳолаб, интизомий жазога тортиш мумкин. Бўлим бошлиғи ва ходимнинг ўзаро шахсий муносабати бошқа нарса-да, энди.

Бу борадаги маъмурий ишларни кўрган судьяларнинг ишига қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунос ҳам шубҳа билдиролмайди.

Қатор ишлар бўйича, ҳатто жиноят содир қилганлар ҳам жазосини иш жойида ўташи мумкин-ку.

Шартнома қонунлар асоси, деган гап бор. Тарафлар томонидан тузилган меҳнат шартномаси ҳақида лом-мим дейилмайди. Аввало ишни шундан бошлаш керак эмасмиди?!

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрел 12-сон «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги қарорида ҳамма нарса аниқ-равшан кўрсатилган бўлса-да, судлар томонидан турли хил ёндашувларга гувоҳ бўлаяпмиз.

Аслида учқун қаердан чиққан? Унинг ходими Н. Шайманова 2003 йил 7 майда декрет таътилидан қайтади. Шу куни улар орасидан ола мушук ўтади. 2003 йил 3 сентябрда М. Эркаевани муҳокама қиладилар. Қўполлик қилганлиги учун у жамоадан узр сўрашга мажбур бўлади. 2004 йил 14 январ куни яра яна газак олган. У хонасида телефонда гаплашиб турганда «яхши кўрган» ходими кириб келади. Орада, эҳтимол, юқорироқ ходим ҳам бўлганлиги учунми ё аламиданми «Иш бўйича сен билан гаплашмайман» дейди. Бу Н. Шайманованинг нафсониятига тегади ва «камситиб, ҳақоратлаб мени хонасидан чиқариб юборди» деб яна шикоят ёзишни авж олдиради. Ёзмаган ташкилоти қолмайди, ҳатто сиёсий партияга мурожаат қиладди.

Манзура Эркаева ким бўлмасин, уни шу корхона маблағ сарфлаб ўқитган, тарбиялаган.

«Давлат иши учун ҳамма нарсамдан — бахтимдан, ғайрат-шижоатли ёшлигимдан, мол-дунёдан кечдим», деб ёзади бир аризасида Манзура. Балки айрим «коммунист» опаларнинг фожеаси ҳам шундадир.

«Давлатга ёмонлик қилмадим. Хиёнат, ўғирлик, дегандан хазар қилдим...

Барибир гуноҳкор эканман. Қайсидир қилган ножўя ҳаракатим яратган эгамга маъқул бўлмади. Жазосини олаяпман».

Иқрорнома. Бу гапни ҳар қандай киши айтолмайди. Кўнглида қандайдир нур бор бир муслиманинг дил рози бу.

Демак, Манзура кимдир айтган каби унчалик ёмон инсон эмас.

Юқорида айтганларим бир журналист сифатида мулоҳазаларим эди, холос. Аммо, ҳуқуқшунос сифатида шу нарсани аниқ биламан: ходимнинг меҳнат мажбуриятига алоқаси бўлмаган нотўғри хатти - ҳаракати меҳнат интизомини бузиш ҳисобланмайди ва бу уни ишдан бўшатишга асос бўлолмайди.

Довуд МАДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Credit-Standard

СООБЩЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ЧОАКБ «КРЕДИТ-СТАНДАРТ»

Порядковый номер сообщения — 09 (решения общего собрания акционеров)
Вид общего собрания — внеочередное.
Форма проведения общего собрания — очная.
Дата проведения — 28 декабря 2006 г.
Место проведения — г.Ташкент, ул.Кунаева, 25.
Кворум общего собрания — 100 %, что составляет 26 000 голосующих акций

№	Вопрос повестки дня	Решение	Итоги голосования		
			За	Против	Воздержались
1.	Увелечение уставного фонда	1. Уставной фонд не увеличивать	26 000	0	0
2.	Внесение изменений в Устав банка	1. Изменения в устав банка не вносить.	26 000	0	0
3.	Утверждение плана размещения акций	1. План размещения акций не утверждать.	26 000	0	0
4.	Распределение нераспределенной прибыли	1. Нераспредленную прибыль оставить нераспределенной, до принятия иного решения общим собранием акционеров.	26 000	0	0
5.	Прочее: Отчет аудиторского комитета об исполнении банком плана по доходам.	1. Утвердить отчет аудиторского комитета.	26 000	0	0

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Munitsipal Auksion Markazi" сизларни 2007 йил 13, 20, 27 феврал ва 6, 13, 20, 27 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкалари узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади.

№	Ер участкасининг манзили, сони	Сатхи, га	Бошланғич нархи, сўм
	Ҳамза тумани		
	Ошхона, қаҳвахона қуриш учун		
1.	Кадишева кўчаси	0,03	14 549 324
	Сирғали тумани		
	Савдо-маиший хизмат ва умумовқатланиш мажмуаси қуриш учун		
2.	Дўстлик кўчаси	0,06	5 295 324
	Саноат моллари ва озиқ-овқат дўкони		
3.	Сирғали — 14 «Б» мавзесида	0,34	20 173 824

Шунингдек, "Ўзбекинвест" экспорт импорт миллий суғурта компаниясига тегишли бўлган 1995 йилда ишлаб чиқарилган д/р 10 АХ 975 бўлган Супер Салон русумли автотранспорт воситаси ҳам савдога қўйилади.

Бошланғич нархи — 7 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган "Missisippi" ҚК тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Г.Мавлянов (Эзгулик 1 тор 20 уй) кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 0,27 га бўлган Соғломлаштириш маркази бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси: 1 000 948 800 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари бўйича объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорида, автотранспорт воситаси ҳамда соғломлаштириш маркази бўйича унинг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини савдо ташкилотчиси "Munitsipal Auksion Markazi" халқ банки шаҳар бўлимидаги MFO 00821, СТИР 300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19 уй.
Телефон: 144 88 04

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий Вакиллари маҳкаманинг бош мутахассиси А.М.Тошпўлатовга акаси **Ўткир МАВЛОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Ҳ.Жўраева
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.10

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси